

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУФЖОНОВА ШАХЛО МУХТОРОВНА**

**НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ**  
**ФРАЗЕОЛОГИК ИБОРАЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК 811.112.2'373.7  
811.512.133'373.7

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Philological Sciences**

**Юсуфжонова Шахло Мухторовна**

Немис ва ўзбек тилларидаги фразеологик ибораларнинг миллий-маданий  
хусусиятлари ва таржима муаммолари ..... 3

**Юсуфжонова Шахло Мухторовна**

Национально-культурные особенности и проблемы перевода  
фразеологических единиц в немецком и узбекском языках ..... 25

**Yusufjonova Shakhlo Mukhtorovna**

National and cultural features of phraseological expressions in german and  
uzbek languages and problems of translation ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУФЖОНОВА ШАХЛО МУХТОРОВНА**

**НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ**  
**ФРАЗЕОЛОГИК ИБОРАЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil.1186 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.adu.uz](http://www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Умарходжаев Мухторжон Ишонходжаевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзахидова Муяссар Инамжановна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Садиков Зоҳид Яқубжанович,**  
филология фанлари доктори (DSc), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.fii.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 88 14; факс: 0(374) 223 88 30; e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz))

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 88 14.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Х.Шахабитдинова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, ф.ф.д., профессор

**Ф.Ф.Усманов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, ф.ф.ф.д.

**Д.М.Хошимова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
ф.ф.д., доцент.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида тадқиқотлар предмети кўпинча бир тил доирасида, бошқа ҳолларда икки тил ёки иккидан ортиқ тилларнинг қиёсий ёки чоғиштирма таҳлили масалаларида белгиланади. Тадқиқотлар таҳлили ва хулосалари ҳам тилларнинг ривожланишига доир умумий ва хусусий ҳолатлар, матнларнинг яратилиши ва тўғри шакллантирилиши билан алоқадор бўлади. Албатта, бу каби масалалар тилшуносликнинг асосий тадқиқот марказида туради. Аммо тиллар ривожланиши ва тараққиётига катта таъсир кўрсатувчи, шу билан бирга тилдан фойдаланувчилар – инсонлар учун жуда муҳим ва зарурий бўлган соҳа борки, бу таржима ва таржимашунослиқдир. Инсонлар ўзаро мулоқотга киришар ва бир халқ маданияти ва цивилизациясидан иккинчи бир халқ вакиллари андоза олишига интилиш бор экан, таржима ва таржимашунослиқ муаммоларини ҳал қилишга эҳтиёж сезилади.

Дунёда ҳозирги кунда глобаллашув ва хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда цивилизацияга интилиш таржима назарияси соҳасида катта талабларни юзага келтирдик, соҳада юз бераётган бугунги ўзгаришларни бундан йигирма-ўттиз йил аввалги ҳолат билан таққослаш жуда мушкул. Бу бир томондан, таржима соҳасида янги техника ва технологияларнинг пайдо бўлиши, жараённинг автоматлашуви, такомиллашуви билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, дунё тиллари ўртасида тез суръатларда ривожланиб бораётган трансформациялашувнинг натижасидир. Шу ўринда тилларнинг ўзаро алоқаси – трансформациялашувига талаб вужудга келиб, унинг ечимига эҳтиёж пайдо бўларкан, матнларнинг бир тилдан иккинчи бир тилга ўгирилиши – таржима қилинишида жараёнлар таҳлилига мутахассислар аралашувини талаб қиладики, ҳар бир лисоний бирликнинг ўзга тилдаги эквивалентини топиш, уларнинг ўзаро мослик даражасини белгилаш зарур. Айниқса, компьютер дастурлари воситасида амалга оширилган таржималарда бу жараён янада мураккаблашади. Бу борада тилнинг турғун бирикмалари – фраземалар тилда аксарият ҳолларда кўчма маънода қўлланиши ҳамда кўпинча одатий синтактик бирликлар билан ўхшаш шаклга эга бўлганлиги сабаб, лексемалардан фарқли ўларок, алоҳида ёндашувни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, таржима жараёнларида муайян мураккабликларни юзага келтириб, масалага тилшунослиқ соҳаси мутахассисларининг кўмаги зарурлигини кўрсатади. Айниқса, уларнинг прагматик хусусиятларини ўрганиш янада долзарбдир.

Мамлакатимиз тилшунослигида сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар ва тадқиқотларда прагматик таҳлилларга кенг ўрин ажратилаётган бўлса-да, ҳали бу борада монографик планда эътибор қаратилиши зарур бўлган масалалар талайгина. Ана шундай масалалардан бири тиллардаги фраземалар ва уларни бир тилдан иккинчи тилга таржимасидир. Тилларда фраземалар аксар ҳолларда кўчма маъно ифодалаб, улардаги умумий ва ўзига хос томонлар, ўхшаш ва фарқли жиҳатлар, алоқа-

аралашувнинг миллий-маданий ва умумлисоний белгиларини аниқлаш учун объект бўла олади. Шу билан бирга фраземалар ўз ижодкори бўлган халқ ҳақида лексик бирликлардан кўра тўлароқ ва қизиқарлироқ маълумотлар бера олиш имкониятига эга эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, «...Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси»ни адо этишда ҳам изланишларнинг айнан амалий натижалар бериши назарда тутилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6884-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари; 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари; “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси” ва шу йўналишдаги қатор меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда тил бирликларининг семантик-синтактик хусусиятларидан кўра прагматик хусусиятлари, яъни уларнинг кишилар нутқида қўлланиш жараёнидаги муаммолар кўпроқ тадқиққа тортилмоқда. Сабаби айнан бугунги кунга келиб тилшунослик ўз тадқиқот мақсадига тўғри ёндашиш – фойдаланувчи омилини биринчи планга олиб чиқишга эътибор қаратмоқда. Шу маънода ушбу тадқиқот иши тадқиқот объекти фразеологизмлардан белгиланган бўлса-да, характериға кўра ҳозирги илғор йўналишлар антропоцентрик ёндашув, когнитив тилшунослик масалаларига боғланади. Айниқса, таржима жараёнларидаги муаммоларни баҳолашда антропоцентрик ёндашувларга асосланган тадқиқотлар қиёсий планда деярли бажарилмаган. Шу сабабдан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил, 22 декабрдаги нутқи / “Халқ сўзи”. – 2017йил, 23декабрь. №258.

фразеология борасида бажарилган ишларга таяниб муаммонинг ўрганилганлик даражасини белгиладик. Фразеологик бирликлар масаласи ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб ўрганила бошланган. Жумладан, ўзбек тилшунослиги вакиллари Ш.Раҳматуллаев<sup>2</sup>, Я.Д.Пинхасов<sup>3</sup>, А.Шомақсудов<sup>4</sup>, М.Хусаинов<sup>5</sup>, Б.Йўлдошев<sup>6</sup>, А.Маматов<sup>7</sup>, Ш.Алмаматова<sup>8</sup>, М.И.Умарходжаев<sup>9</sup>, Э.Умаров,<sup>10</sup> Г.М.Адашуллоева<sup>11</sup>, А.Носиров<sup>12</sup>, М.Холиқова<sup>13</sup>, М.И.Расулова,<sup>14</sup> Р.Х.Ширинова<sup>15</sup>, Ш.Ганиева<sup>16</sup>, Р.У.Ахророва<sup>17</sup>, Ш.И.Асқарова<sup>18</sup> каби олимлар фразеология соҳасида тадқиқотлар олиб борганлар. Хусусан, Ш.Раҳматуллаев, М.Содиқовалар<sup>19</sup> томонидан фразеологизмларнинг қатор луғатларига тартиб берилган. Бу борада тадқиқотчи олим З.Содиқов<sup>20</sup>нинг изланишлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, олим ўзбек адабий тилининг тарихий манбаларидан бири бўлган “Қутадғу билиг” асари тили таржималари юзасидан тадқиқотлар олиб борар экан, бунда фразеологизмлар масаласига махсус тўхталиб ўтган. Шу билан бирга тадқиқот илмий ишимизга шу жиҳати билан ҳам алоқадорки, “Қутадғу билиг” асари таржимаси билан айнан олмон олимлари кўп изланишлар олиб боришган<sup>21</sup>. Бу эса таржима жараёни олиб борилаётган ҳар икки тилнинг фразеологик жиҳатдан солиштириши билан боғлиқ жуда катта қиёсий таҳлилларни юзага чиқаради.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати // - Тошкент: Ўқитувчи, 1978. Б.407.

<sup>3</sup> Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражения в языке произведений Хаида Алимджана // АКД. – Ташкент, 1953. - 19 с.

<sup>4</sup> Шамақсудов А.Ш. Язык сатиры Муками (лексика и фразеология) // АКД. – Ташкент, 1956. – 18 с.

<sup>5</sup> Хусаинов М. Фразеология прозы писательницы Айдын // АКД. - Самарканд, 1959. - 18 с.

<sup>6</sup> Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти // - Самарканд, 2007.

<sup>7</sup> Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари // Филол. фанл. докт... дисс. автореф. Тошкент, 2000.

<sup>8</sup> Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили // Филол. фанл. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

<sup>9</sup> Умарходжаев М.И. Основы фразеологии // – Ташкент: Фан, 1983. – 133 с.

<sup>10</sup> Фразеологическая контаминация в языке Алишера Навои // Сов.тюркология. –Ташкент: 1974. №5. – С.23-27.;

<sup>11</sup> Адашуллоева Г.М. Тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмларнинг қиёсий-типологик таҳлили // Филол. фан. фалсафа док. (PgD) дисс. ...автореф. – Самарканд: 2018. – 47 б.

<sup>12</sup> Француз, ўзбек ва рус тилларидаги проverbsиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари // Филол. фан. док. (DSc) дисс. ...автореф. – Тошкент: 2016. – 56 б.

<sup>13</sup> Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине (на материале русского и узбекского языков) // Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент: 1999. – 56 с.

<sup>14</sup> Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике // – Ташкент: Фан, 2005. – 268 с.

<sup>15</sup> Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши // Филол. фан. док. (DSc) дисс. ...автореф. – Тошкент: 2017. – 56 б.;

<sup>16</sup> Ганиева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи // – Тошкент: Фан, 2013.

<sup>17</sup> Ахророва Р.У. Француз ва ўзбек тилларида «ЁШ» га оид семантикалик лексик ва фразеологик бирликларининг лисоний хусусиятлари // – Ташкент: 2020. – 135 – С.

<sup>18</sup> Асқарова Ш.И. Об особенностях языковой интерференции ( на примере изучения немецкого языка по ферганской области) // – Фарғона, 2022 й. 142 – С.

<sup>19</sup> Содиқова М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь // – Ташкент, 1989. – 336 с.

<sup>20</sup> Содиқов З. Қутадғу билиг: таржималарининг қиёсий-типологик таҳлили // - Тошкент: Фан, 2007. – 176 б; Содиқов З. Юсуф Хос Ҳожибнинг тил билиш ва таржимага муносабати // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2000. – №2. – Б.52-55.

<sup>21</sup> Содиқов З. “Қутадғу билиг”даги фразеологизмларни олмон тилига таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. - №2. – Б. 57-60.

Таржимашунослик борасида фразеологизмлар билан ишлаш янада мураккаб бўлиб, таржима жараёнларида миллий-маданий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда иш кўришда тилшунослар кўмагига катта эҳтиёж сезилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Фарғона давлат университети «Қиёсий тилшунослик ва адабиётшуносликнинг соҳалари» мавзусидаги илмий тадқиқот режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** немис ва ўзбек тилларида миллий ва маданий муносабатни ифода этувчи фразеологизмларни қиёсий тадқиқ этиш ва у орқали миллий-маданий қарашлар ўртасидаги умумийлик ва фарқланишларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб ўз олдида қуйидаги вазифаларни кўяди:

немис ва ўзбек тилларидаги миллий ва маданий муносабат ифодаловчи фразеологизмларни аниқлаш;

немис ва ўзбек тилларидаги миллий ва маданий муносабат ифодаловчи фразеологизмларнинг антропоцентрик хусусиятларини аниқлаш;

таржималар жараёнида фразеологизмларга алоҳида ёндашувнинг ўзига хослигини аниқлаш;

немис ва ўзбек тилларидаги миллий ва маданий муносабат ифодаловчи фразеологизмларнинг прагматик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида немис ва ўзбек тилларидаги миллий ва маданий муносабат ифодаловчи фразеологизмлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** немис ва ўзбек тилларидаги миллий ва маданий муносабатни ифодаловчи фразеологизмларнинг антропоцентрик, прагматик хусусиятлари ҳамда таржима жараёнларидаги муаммолар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, функционал-семантик, ассоциатив-концептуал, прагматик, лингвокультурологик ҳамда антропоцентрик тадқиқ усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

фраземаларнинг таржима усуллари ва уларни такомиллаштиришда миллий-маданий хусусиятларнинг таржимада ифодаланиш жиҳатлари, унинг диний эътиқод ва маданий меъёрлар билан шартланган миллий тарихий-мифологик асослари далилланган;

фраземаларнинг мақол, матал, қанотли сўзлар билан чегаралари аниқланиб, бу бирликлар миллий-маданий хусусиятларининг аҳамияти таржима луғатлари тузиш билан боғлиқликда асослаб берилган;

немис тили фраземаларида ғарб маданияти белгилари таъсирида материалистик қараш нисбатан устунлик қилса, ўзбек тили материаллари ва



фраземалари шаклланишида шарққа хос фалсафий-маданий қарашлар устуворлик қилиши аниқланган;

немис тили фраземалари ҳамда мақолларида кўрқув, хурсандлик, иккиланиш, қизиқиш, ҳаракатчанлик, аччиқланиш, ботирлик, хушомад, эркалатиш, тўғри сўзлик, севиш каби маъноларни ифодаловчи фраземалар кўпчиликини ташкил этиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар материаллари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар ушбу тадқиқот материалларига асосланади, тадқиқот хулосаларининг республика миқёсида амалиётда жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек ва немис тилларидаги фразеологизмларга халқ дунёқараши, ҳаёт тарзининг муайян ифодаси сифатида қаралганлиги ва таҳлил этилганлиги, шу асосда ўзбек тили тизимини антропоцентриқ парадигма асосида тадқиқ этишнинг назарий асосларига доир янги илмий қарашлар баён этилганлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бугунги кунда энг долзарб ва зарур соҳалардан бири бўлган таржимашунослик масалалари билан алоқадорлиги билан, тил корпусларини шакллантиришда, таржима дастурларини яратишда ушбу тадқиқот ишининг натижаларидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Немис ва ўзбек тилларидаги фразеологик ибораларнинг аниқланган миллий-маданий хусусиятлари ва ёритилган таржима муаммолари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фраземаларнинг таржима усуллари ва уларни такомиллаштиришда миллий-маданий хусусиятларнинг ифодаланиш жиҳатлари, бунинг тарихий-мифологик асослари ҳақидаги хулосалардан Германиянинг Рур университети томонидан олиб борилган “Phraseologie im nationalen und kulturellen Aspekt (am Beispiel der deutschen und türkischen Sprachen)” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Бохум университетининг 2022 йил 15 июндаги 106-сон маълумотномаси). Натижада немис ва туркий тилларидаги миллий ва маданий хусусиятга эга бўлган фразеологизмлар ўхшаш ҳамда фарқли томонлари қиёсан тадқиқ қилишда асосли ва тизимли хулосалар чиқаришга ёрдам берган;

фраземаларнинг мақол, матал, қанотли сўзлар билан чегаралари аниқланганлиги ҳамда бу бирликлар миллий-маданий хусусиятларининг аҳамияти хусусидаги илмий хулосалардан Россия Федерацияси Бошқирд давлат университети томонидан олиб борилган №149 “Актуальные вопросы иноязычного (немецкого) образования в школе и ВУЗе” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Бошқирд давлат университетининг

2022 йил 10 июндаги 3-1029-2204/1092-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида тайёрланган методик материаллар фразеологизмлар билан бойитилган, илмий далиллар билан асосланган;

немис тили фраземаларида ғарб маданияти белгилари таъсирида материалистик қараш нисбатан устунлик қилса, ўзбек тили материаллари ва фраземалари шаклланишида шарққа хос фалсафий-маданий қарашлар устуворлик қилишига оид хулосалардан “Yoshlar” телеканалининг “Ёшлар учун янги имкониятлар”, “Тафаккурга йўл”, “Янги Ўзбекистон ёшлари”, “Олтин фондимиз” номли кўрсатувлари дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (“Yoshlar” телеканалининг 2022 йил 17 майдаги 12-01/121-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувлар юртдошларимиз, хусусан, ёш авлодни миллий-маданий тушунчаларини тарбиялашга, чет тилларида мулоқот қилиш кўникмаларини ривожлантиришга, уларнинг илмий билимларини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий, жумладан, 6 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 3 таси хорижда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Умумий ҳажми 132 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижалар илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тилшуносликда таржима назариясининг шаклланиши”** деб номланган биринчи боби икки фаслни ўз ичига олади. Бобнинг биринчи фаслида таржимашунослик назариясининг асосий масалалари ҳақида ёритилган.

“Таржимачилик XX асрга келибгина оммавий тус олди ва муайян қолипда шаклланди. Айнан таржимашуносликнинг ёрдами билан филология илмида таржима назарияси вужудга келди, мустақил фан тармоғи сифатида шаклланди ва илмий жамоатчилик томонидан тан олинди. Пировард натижада дунё миқёсида турли таржима ва таржимашунослик мактаблари

юзага келди”, деб ёзади таниқли олим М.Холбеков<sup>22</sup>. Таржимашунос олим Ғ.Саломов “Таржима тил билган ҳар бир кимса ҳам шуғулланаверадиган юмуш эмас, балки фан ва санъатидир<sup>23</sup>” дея таъриф берган.

Дарҳақиқат, бошқа фан соҳалари каби таржимашуносликнинг ҳам ўз қонун-қоидалари мавжуд бўлиб, бунда фан, санъат ва тафаккур уйғунлашади. Таржимон асарнинг туб моҳиятини англамай, қаҳрамонлар дунёқарашини тўлиқ ҳис қилмай туриб, асарда қўлланган сўз ва ибораларнинг муқобилини тўғри танлай олмайди, ўзи англаб етмаган асар руҳиятини ўзгаларга етказиб беролмайди. Айниқса, ўзбек ва Европа тиллари матнларини ўзаро таржима жараёнида миллий-маданий белгилар мос келмаслиги кўп учрайди. Бу ҳолат тилнинг турғун бирикмалари – иборалар, тасвирий ифодалар ва мақол-маталлар таржимасида янада долзарблашади. Тилнинг турғун бирикмалари шаклан синтактик қурилишли бўлиши билан бирга мазмунан умумий семантик бутунликка эгадир.

Ўзбекистонда таржима амалиёти, таржимашуносликнинг назарий масалалари билан шуғулланиш ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг ривожланди<sup>24</sup>. Ўзбек олимларидан Ж.Шарипов, Ш.Шомухаммедов, Ғ.Саломов, Н.Комилов, И.Ғофуров, Н.Владимилова<sup>25</sup> каби йирик мутахассислар ўз мақола ва рисоалари билан таржимашунослик назарияси шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Биринчи назария тарафдорларининг фикрича, таржима жараёнида асосий эътибор асарнинг эстетикасига ва сўз санъатига қаратилиши лозим, яъни таржима сўз санъатининг ниҳоятда мураккаб ва нозик даражаси бўлиши лозим, деб ҳисоблаганлар. Бадиий асарлар таржимасидан бадиий ижод жараёнидан кам бўлмаган эстетик дид ва поэтик талаб билан қараганлар<sup>26</sup>.

Иккинчи йўналиш тарафдорларининг фикрича, таржима жараёнида тилларнинг умумий структураси, жумладан, таржима қилинаётган матннинг ўзга тил грамматик ҳамда стилистик меъёрларига мутаносиблиги эътиборга олинishi лозим, деб таъкидлаганлар<sup>27</sup>.

Мазкур ёндашувлар ҳозирги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган, балки, тобора қувватланиб, тўлдирилиб, амалиётда қўлланилиб келинмоқда. Бунинг ёрқин исботи сифатида ҳамдўстлик давлатлари ҳамда ўзбек тилшуносларидан В.Н.Комиссаров, А.Д.Швейцер, Л.С.Бархударов, Г.Р.Левинская, А.М.Фитерман, Л.А.Черняховская, М.Холбеков, К.Мусаев,

<sup>22</sup> Холбеков М. Ўзбекистонда таржима ва таржимашунослик // <http://samxorfil.uz/images/source/pdf/2016/3/.pdf> №3, – Б. 16.

<sup>23</sup> Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш // – Тошкент, 1978, – Б. 179.

<sup>24</sup> Холбеков М. Германистика ва романистиканинг тарақиёти ва келажаги // Бухоро: Ўздавнашр, 2008. – 71 б.

<sup>25</sup> Шарипов Ж. Из истории перевода в Узбекистане // – Ташкент: Фан, 1965; Ш.Шомухаммедов Гуманизм абадийлик ялови // Тошкент, 1974.; Саломов Ғ. ва Комилов Н. Дўстлик кўприклари // илмий асарлар ва монография; Ғофуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш (Введение в специальность переводчика) // Учебное пособие. – Тошкент., 2008. Владимирова Н.В. Некоторые вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык // АҚД. – Ташкент, 1957.

<sup>26</sup> Чуковский К.И. Искусство перевода // – Москва. – Л.: “Academia”, 1931. – С.6

<sup>27</sup> Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы) // Изд.3-е. – Москва, 1968, – С.11.

Ш.Сафаров, ғарб тилшуносларидан Р.Якобсон, Р.Ферс, Ж.Муне, О.Каде, А.Нойберт, Дж.Кеттфорд, Ю.А.Найда, Г.Егер<sup>28</sup> каби олимларнинг монографик асарларини келтириб ўтиш мумкин.

Таржима жараёнида маълум ўзгаришлар – услуб ва ифодадаги муайян йўқотишлар рўй бериши мумкин, булар кўпроқ экстралингвистик воситалар, аниқ ёки яширин тарзда миллий менталитетни у ёки бу даражада ифода этган бирликлар мазмунида кузатилади.

Таржима ва таржимашуносликнинг асосий масалаларидан бири икки тил бирликлари ўртасидаги эквивалентлик муносабатларини ўрнатишдир. Асарларда қўлланилган ва амалиётга жорий қилинган узул ҳолатда (оказионал эмас) мавжуд эквивалент тил бирликлари асосида муқобиллик ўрнатиш талаб этилади.

Тилнинг миллий-маданий характерга эга бўлган бирликлари таржима жараёнида алоҳида эътибор ва ёндашувни талаб қилади. Миллий-маданий белгига эга бўлган бирликларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Шахс маъносини билдирувчи миллий-маданий характердаги бирликлар. Масалан, ўзбек тилида мавжуд бўлган *худо зўрми*, *қудо(а) зўрми* фразеологик бирлиги ҳатто ўзбек тилининг ўзида ҳам шаклий ва мазмуний номутаносибликка эга бўлиб, бу бирлик талқинида тўлиқ шаклий ёндашув ниҳоятда катта хатоликларни келтириб чиқаради.

2. Нарса-буюм маъносини билдирувчи миллий-маданий характердаги бирликлар. Масалан, ўзбек тилида эркак кишига нисбатан *бел(-им/-инг/-и/-имиз/-ингиз)да белбоғи(-им/-инг/-и/-имиз/-ингиз) бор* шакли нафақат ахборот бериш, балки бутунлай бошқа мазмун – прагматик тушунча ифодалайди. Бу мазмуннинг англаниши миллий-маданий хусусиятлар билан боғлиқ бўлиб, таржима жараёнларида соҳа мутахассиси агар бу билимларга эга бўлмаса, матн мақсади етарлича етказиб берилишни таъминлай олмайди.

Маълумки, XX асрнинг бошларида, асосан биринчи жаҳон урушидан сўнг Европада чет тилларни ўрганишга эътибор кучайди<sup>29</sup>. Мамлакатлар ўртасида савдо-сотик, иқтисодий алоқалар ва коммерцияни ривожлантириш, иш фаолиятига махсус даражага эга бўлган дипломли савдогарларни жалб қилиш мақсадида олий савдо ўқув юртларида иқтисодий лингвистика ривожлантирилди. Профессор М.И.Умарходжаевнинг ёзишича, бундай йўналиш ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан бири бельгиялик Александр Сникерсдир. Унинг фикрича, “савдо ва иқтисодиёт тили терминлари (атамалари) жуда кам ўрганилган соҳадир, айниқса, чет эл савдо-сотик қоидалари она тилидагиси билан солиштириб ўрганилиши лозим.

<sup>28</sup> Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода // – Москва, 1980., Швейцер А.Д. К проблеме лингвистического изучения процесса перевода // Вопросы языкознания, 1970.; Бархударов Л.С. Язык и перевод / – Москва: МО, 1975.; Otto Kade. Zufall und Gesetzmäßigkeit in der Übersetzung. Beiheft zur Zeitschrift //, Сафаров Ш. Таржимоннинг лисоний шахс сифатида бажарадиган фаолияти // Хорижий филология (Мақоллар тўплами); Fremdsprachen, Leipzig. Verlag Enzyklopedie; Холбеков М. Германистика ва романистиканинг тараққети ва келажаги // Бухоро: Ўздавнашр, 2008. 71-бет; Балли Ш. Французская стилистика // – Москва, 1961.

<sup>29</sup> Lutz Ake Manuskript “Die translatorische Ausbildung in Leipzig // [1927–1957]

Уларни механик тарзда бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиб бўлмайди, талабалар соҳа атамаларининг “руҳига киришлари” лозим”<sup>30</sup>, дейди олим.

Ўтган асрнинг 80-йилларида германиялик таржимашуносларнинг тадқиқот натижалари “Fremdsprachen”, “Übersetzungs-wissenschaftliche Beiträge”, ҳамда “Linguistische Arbeitsberichte” каби қатор нуфузли илмий журналларда эълон қилиб борилди. Булардан ташқари 1996, 2001, 2006 йилларда ташкил этилган халқаро илмий конференцияларда “Grundlegen der Übersetzungswissenschaft” – яъни таржимашуносликнинг асосий масалалари мунтазам муҳокама қилиб борилди. Бир вақтлар таржимашунослик назариясига контрастив лингвистика нуқтаи назаридан таржимашунос А.Нойбертнинг сўнгги йиллардаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир. “Таржимашунослик, – дейди А.Нойберт, – фактларда кўпроқ контрастив лингвистика йўналишида олиб борилди. Бундай тилшуносликка ўта йўналтирилган йўналиш фақатгина собиқ ГДР олимларигагина хос эмас, балки таниқли АҚШ олимлари Найда ва Бритель Кетхордларга ҳам хос эди”<sup>31</sup>. Олимнинг таъкидлашича, бундай йўналишда ижтимоий-маданий хусусиятлар, текст турларининг ўзига хос томонлари, стилистик хусусиятлари тўлиқ очилмай қолади.

Шу билан бирга таржимашунослик ҳаётда амалий аҳамиятга эга бўлган турли фанлар иштирокида шаклланаётган ёш фанлар сирасига киради. Унда қатор илмий, амалий масалалар ўз ечимини кутмоқда.

**“Таржима луғатларида миллий-маданий хусусиятлар масаласи”** деб номланган фаслида эквивалентлик – муқобилликни шакллантириш мумкинлиги масаласи кўриб чиқилган.

Таржима луғатининг асосий масалалаларидан, тушунчаларидан бири таржима олинаятган тил бирликлари билан таржима қилинаятган тил бирликларининг эквивалентлик муносабатларини ўрнатишдир. Бунда эквивалентликнинг семантик, стилистик, узуал ҳамда коммуникатив хусусиятларини фарқлаш талаб этилади: семантик эквивалентлик икки тил бирликларининг бир хил маънога эга бўлиши, умумий референтга боғлиқлиги ҳамда бир хил маъно кўламига эгаллиги; стилистик эквивалентлик икки тил бирликларининг бир хил функционал-стилистик характеристикага эга бўлиши; узуал эквивалентлик иккала тилда ҳам бирликларнинг бир хил қўлланиш даражаси.

Коммуникатив эквивалентлик – одатда гап, қисқа текстлар сатҳида аниқланиши мумкин. Бу ерда адекватлик, таржиманинг аниқлик даражаси анча юқори бўлади. Чунки, одатда, ҳам семантик, ҳам стилистик, ҳам узуал нуқтаи назардан тўлиқ мос тушадиган эквивалентларнинг сони чегараланган.

<sup>30</sup> Snyckers Akexander. Fremdsprachen und Handelshochschulen’’Zeitschrift für Handexswissenschaft und Hadelsspraxis.Freiblat // Der Kaufmann und das Leben. – S.39.

М.Э.Умарходжаев. Замонавий Европа лингвистик йўналишлари [Лайпциг таржима мактаби] // Замонавий тилшунослик ва таржимашунослик. Тиллар ўқитишнинг долзарб масалалари. – Тошкент, 2008. – 491 б.

<sup>31</sup> Умарходжаев М.Э. Замонавий Европа лингвистик йўналишлари [Лайпциг таржима мактаби] // Замонавий тилшунослик ва таржимашунослик. Тиллар ўқитишнинг долзарб масалалари. – Тошкент, 2008. –494-б.

Тил эквивалентлари орасидаги муқобилликни қуйидаги йўллар орқали амалга ошириш мумкин:

**Биринчи идеал йўл** бош сўзни таржима тилида мавжуд бўлган сўз билан алмаштириш, бу йўл субституция деб аталади ва бирон бир товуш ўрнини бошқа товуш билан алмаштирилишини англатади. Бунда барча семантик, стилистик, узуал ҳамда коммуникатив эквивалентлик тўла мос тушади.

**Иккинчи йўл** – бош сўзнинг таржима тилидаги эквивалент билан маълум даражада семантик фарқланиши натижасида табақалаштирилган тафовутлар мавжуд бўлган эквивалентлар орқали таржима қилинади. Масалан, немис тилидаги ~ *absagen* сўзи ўзбек тилига 'кўнмаслик, унамаслик, инкор қилмоқ, рад қилмоқ, воз кечмоқ, баҳридан ўтмоқ' каби сўз ва сўз бирикмалари орқали таржима қилиниши мумкин.

**Учинчи йўл** – семантик “ҳолис” таржима бўлиб, таржимага олинаётгани бирлик, яъни “бош сўз”нинг бир қанча синонимлари бўлишига қарамасдан, фақат “ҳолис” бир сўз билан таржима қилинади.

Фраземаларнинг миллий-маданий хусусиятлари тўлиқ ўрганилмай туриб, уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиб бўлмайди. Бундай лингвистик таҳлил таржима бўлаётган тил доирасида ҳам ўтказилгандан сўнг фраземаларнинг эквивалентлик ҳолатларини аниқлашга киришиш зарур.

Таржималарда матн кўпинча сўзма-сўз таржима қилинади, бу вақтлар ўтиши билан бир тилда мавжуд бирликлар, ибораларнинг иккинчи бир тилда воқеланиши – калькалинишига олиб келиб, тилларни бойитса, иккинчи томондан, таржима қилинаётган матн мазмунини аниқ ифода этилишида тўсиқ бўлади.

Бунда миллий ва маданий хусусиятлар кўпинча таржима жараёнларида мураккаблик пайдо бўлишига сабаб бўлади. Масалан, ўзбек ва немис тиллари таржимашунослигида ҳам бундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Миллий бош кийим маъносини ифодаловчи биргина *дўппи* сўзи иштирокида ўзбек тилида бир нечта фраземалар мавжуд, аммо бу сўзнинг бошқа тилларда эквивалентлари мавжуд бўлгани ҳолда унинг миллий-маданий белгиларини тўлиқ акс эттиришнинг имкони йўқ. Мисол учун, ўзбек тилидаги *дўпписи яримта, дўпписини осмонга отмоқ, дўппининг тагида одам бор, дўпписини кийдирмоқ, дўпписини алмаштирамоқ* фраземалари таркибида яширинган миллий-маданий тушунчалар изоҳини бериш учун ўзбек халқининг удумлари, маданияти ва оламини лисоний англаш ҳолати ҳақида кенг тушунчага эга бўлиш талаб этилади.

Ишнинг **“Таржима луғатлари тузишда фраземалар эквивалентлигини ўрнатишнинг назарий тамойиллари”** деб номланган иккинчи боби икки фаслдан таркиб топган бўлиб, бобнинг **“Фраземанинг мустақил луғат бирлиги мақоми ва лисоний хусусиятлари”** номли биринчи фаслида фраземаларнинг тил луғат таркибида тутган ўрни масаласи тадқиқ этилган.

Фраземалар таржимасига киришишдан аввал тиллардаги турғун сўз бирикмалари таркибида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турувчи фразеологик иборалар – фраземаларнинг тил бирлиги мақомини ва уларнинг категория белгиларини аниқлаб олиш талаб этилади. Дарвоқе, таҳлилга тортилаётган ҳар қандай объектнинг структур-семантик, функционал-стилистик хусусиятларни атрофлича тавсифламай, ўрганмай туриб, уларни таржима қилиш масалаларини ҳал қилишга киришиш турли қийинчиликларни юзага келтиради.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон тилшунослигида тиллардаги мавжуд турғун сўз бирикмалари доирасида кенг қамровли илмий-амалий ишлар олиб борилди. 1947 йили рус олими академик В.В.Виноградов томонидан рус тили фразеологик иборалари таснифи жаҳон фразеология мактабларининг шаклланишида катта аҳамият касб этди<sup>32</sup>. Ушбу таснифнинг яратилиши натижасида бир қатор тилларнинг турғун бирикмалари турлича қарашлар асосида тадқиқ қилинди<sup>33</sup>.

1970-80 йилларда фразеологик тадқиқотлар шу даражада кенг миқёсда олиб борилди. Турғун сўз бирикмаларининг турли категориал хусусиятларини, бир тарафдан, лексемалар билан боғлиқ бўлган умумий ҳамда фарқли томонларини, иккинчи томондан, эркин сўз бирикмалари билан умумий ҳамда фарқли хусусиятларини аниқланди. Баъзи тилшунослар фразеология объекти сифатида турғун бирикмалар қаторида тиллардаги мақол ва маталларни ҳам ўрганиш лозимлигини эътироф этсалар, бошқа бир гуруҳ олимлар фразеология объекти сифатида фақат кўчма маънога эга бўлган турғун сўз бирикмаларини тушуниш лозимлигини таъкидлайдилар.

Фразеологизмни сўзма-сўз таржима қилиш кейинги йилларда қаттиқ танқид остига олинган. Чунки, биринчидан, тақлиф этилаётган “идиоматик” хусусиятга фраземалардан ташқари лексемалар ҳам эга бўлиши мумкин ва шу нуқтаи назардан “идиоматик” хусусият фақат ибораларгагина хос бўлмасдан, уларнинг ўзига хос жиҳатини ҳам ажратиб бера олмайди. Иккинчидан, бирон бир тил объектини таҳлил қилиш жараёнида шу тил хусусиятидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Иборани сўзма-сўз таржима қилиш мумкин эмас; бунда бир тилга оид тушунчалар иккинчи бир тилда тўла акс этмайди, натижада фраземаларнинг кўзда тутилган маъноси тингловчига етказа олмайди.

<sup>32</sup> Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины // В.В.Виноградов. Избранные труды. Лексикология и лексикография // – М., 1977. – Б. 118-119.

<sup>33</sup> Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии // Изд.ЛГУ, 1963; Архангельский В.Л. Устойчивые фразы в современном русском языке. Ростов-на-Дону, 1964; Ахманова О.С. Содержание и задачи фразеологии применительно к лексикографии // Проблемы фразеологии: - Задачи фразеологического словаря русского языка. Тезисы научной конференции. Л., 1961, 8-10 бб; Бабкин А.М. Лексикографическая разработка русской фразеологии // – М-Л., 1964; Кунин А.В. Основные понятия английской фразеологии и создание англо-русского фразеологического словаря // автореф. докт. дисс. – М., 1964; Чернышёва И.И. Фразеология современного немецкого языка // – М., 1970; Рахматуллаев Ш. Некоторые вопросы узбекской фразеологии // автореф. докт. дисс. – Т., 1966; Байрамов Т.А. Основы фразеологии азербейджанского языка // автореф. докт. дисс. – Баку, 1970.

Яна бир гуруҳ тилшунослар томонидан фразеология объекти сифатида турғун сўз бирикмаларидаги метафорик кўчим асос қилиб олинади, яъни маълум бир ибора метафорик хусусиятга эга бўлса, у фразеология таркибида ўрганилиши кераклиги таклиф этилади.

Айрим фразеологлар турғун сўз бирикмаларининг структур-семантик хусусиятларидан келиб чиқиб, фразеология таркибига фақат сўз бирикмаси шаклидаги ибораларни киритишни ёқлайдилар.

Фразеологик бирликлар ҳар қандай тилнинг лексик бирликлари қаторида номинатив, коммуникатив хусусиятларга эга зарурий тил бирлиги эканлиги эътироф этилди, уларнинг турли семантик, структур, функционал хусусиятлари махсус мезонлар асосида очиб берилди ҳамда ушбу мезонлардан келиб чиққан ҳолда турлича тавсифланди.

Фразеология назарияси ва амалиёти билан узоқ йиллар шуғулланган таниқли олимлар А.В.Кунин, И.И.Чернышёва, А.М.Бабкин, А.Д.Райхштайн, В.П.Жуков, Л.А.Ройзонзон, В.Л.Архангельский, Р.Н.Попов, Добровольский, С.Г.Гаврик, Р.Клаппенбах, Э.Агрикола, Х.Бургер, Т.Шиппан, Ш.Раҳматуллаев, М.И.Умархўжаев, Бархударов, А.Э.Маматов ва бошқа катор тилшунос ва луғатшуносларнинг илмий қарашларига таянган ҳолда ҳар қандай тил фразеологик ибораларининг структур. семантик, стилистик ва функционал ўзига хосликларини комплекс мезонлар асосида аниқлаш мумкинлиги эътироф этилди:

Биринчидан, фразеологик ибора мақомини олиш учун турғун сўз бирикмаси турғун шаклга, турғун компонент таркибига эга бўлиши зарур. Ушбу хусусият фраземаларни эркин сўз бирикмаларидан фарқлашда асос ҳисобланади.

Иккинчи асосий мезон фраземаларнинг камида икки компонентли бўлишидир. Ушбу мезон орқали ҳар қандай кўчма маънода ишлатиладиган – метафорик, метонимик ва ўхшатиш маъносидаги сўзлар фразеологизмлар таркибида ўрганилмайди.

Фраземаларнинг учинчи зарурий хусусияти – улардаги компонент таркибининг маъно турғунлигидир. Аммо ҳалигача тиллардаги фраземаларнинг “дунё”га келиш жараёни, шаклланиш механизми жаҳон тилшунослигида тўлиқ ўрганилмаган.

Фраземаларга хос тўртинчи зарурий хусусият – уларнинг маъно турғунлиги, яъни ибора компонентларининг “қоришмаси” орқали тилда янги маъно шаклланиши, бирикманинг узул нуктаи назардан бир ёки баъзи ҳолларда бир нечта полисемантик маънога эга эканлиги.

Айрим тилшунослар томонидан фраземаларнинг сўзга нисбатан эквивалент бирлик сифатида қаралиши асосий мезонлардан ҳисобланади. Бундай нуктаи назар фразеологизмларни илк бор тадқиқ объектига айлантирган Шарль Балли ғояларига асосланади. Унинг таъкидлашича, “...иборанинг сўз билан бирхиллиги (тенглиги) бошқа барча белгилардан устун туради<sup>34</sup>”. Ушбу ўринда фразема семантик, функционал томондан сўзга

<sup>34</sup> Ш.Балли. Французская стилистика // – М., 1961, – С. 100



тенглаштирилади. Фразеологик ибораларга бундай қараш бир қатор фразеологлар томонидан қабул қилинмайди.

Фразеологик бирлик ва сўзларнинг айрим тоифаларининг синтактик вазифалари ҳам фразеологик бирликнинг сўзга тенглигини исботлаб бўлмайди. Таниқли тадқиқотчи И.И.Чернышева "фразеологиянинг кўламини эквивалентлик назарияси орқали ҳал қилиб бўлмайди"<sup>35</sup>, деб таъкидлайди. Умуман олганда, фразеологик ибораларнинг барча жиҳатини тенг қамраб олиш шу қадар мураккабки, бундай тил унсурларининг моҳиятини аниқлаш, очиш мақсадида комплекс мезонлар қўллаш талаб этилади.

Ана шундай комплекс мезонлар асосида профессор М.И.Умархўжаев томонидан немис ҳамда ўзбек тиллари фразеологиясининг янги тадқиқий йўналиши тақдим этилди. Олим ўз тадқиқотларида тиллардаги турғун бирикмаларнинг қай тарзда фразеологизмлашгани тамойиллари ва механизмини очиш концепциясининг асосини ташкил этади. У фразеологик иборалар таркибидаги компонентлар маъносининг пучлашиш даражаси – градациясини аниқлашга қаратилди. “Фразеологик бирликлар компонентлари маъносининг “пучлашувчанлик” (опустошенность значения компонентов фразеологических единиц) хусусидаги қарашлар - деб ёзади Ш.Алимов, - бу соҳадаги инқилобий фикр ҳисобланади”. Профессор М.И.Умархўжаев пучлашувчанлик назарияси асосида фразеологик бирликларнинг пучланувчанлик градациясини ишлаб чиқди ва уларнинг семантик маъноларини ядро, марказ ва периферия мезонларига кўра типларга ажратиш мумкинлигини ишончли далиллар орқали исботлаб берди<sup>36</sup>. Ушбу концепциянинг оригиналлик даражасини эътироф этган ҳолда, машҳур фразеолог А.М.Бушуй бу масалага бағишланган илмий рисоласида айнан проф. М.Э.Умархўжаевнинг фразеологик ва фразеографик концепциясини тўлиғича изоҳлаб берди ва маъқуллади<sup>37</sup>. Масалан, юқорида келтирилган немис тилидаги ~ *Naare spalten*; фраземаси- (сўзма сўз ~'сочни майдаламоқ – ҳамма нарсага аралашмоқ, майда-чуйдага бурнини сукмоқ') фраземасини ўзбек тилидаги 'қовун туширмоқ' фраземаси таркибидаги компонентларнинг семантик мустақиллиги ёки "пучлаган"лик даражасини аниқлаш таржима жараёнида ўта аҳамиятли ҳисобланади.

Бобнинг ”**Фразема ва паремиялар таржимасининг лингвистик асослари**” деб номланган иккинчи фаслида фразеологиянинг ўзига хос назарий масалалари тўлиқ ўрганилмаганлиги, иккинчи тарафдан, фразема ва паремияларнинг стилистик нуқтаи назардан тавсифланмаганлиги, уларнинг стилистик функциялари ҳамда нутқ жараёнида қўлланиш хусусиятлари етарлича илмий асосланмаганлиги сабаб бўлган. Дарвоқе, фраземаларни

<sup>35</sup> Чернышёва И.И. Принципы систематизации фразеологического материала современного немецкого языка // Язык и стиль, – М., 1965, – С.147.

<sup>36</sup> Алимов Ш.С. Замонамизнинг етук фразеолог, фразеограф, луғатшунос ва таржимашунос олими. (проф.М.Умархўжаевнинг илмий фаолияти хусусида) // Замонавий лексикография, фразеография ва таржимашунослик масалалари: Республика илмий-амалий анжумани, – Андижон, 2018. – Б.6.

<sup>37</sup> Бушуй А.М. Фразеологическая и фразеографическая концепция проф. М.И. Умарходжаева // – Самарканд. 2016.

уларнинг стилистик функцияларини инобатга олмаган ҳолда таржима қилиш тўғри бўлмайди, хатоликка олиб келади, чунки таржима матнининг ифодалилиги, маънодорлиги йўқолади.

Ушбу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, фразема ва паремиялар номинатив тил бирлиги сифатида лексик birlikлар сингари номлаш, баҳолаш, қиёслаш каби мақомга эга бўлиш билан бирга сўзлардан маълум белгилари орқали фарқланади. Фраземанинг асосий кўзга ташланиб турувчи хусусияти унинг семантикаси – фразеологик маънодир. Шу боисдан ҳам кўпчилик тилшунослар фраземанинг лингвистик моҳиятини аниқлашда унинг семантикасига эътибор қаратадилар. Фразема иккиламчи номинатив birlik сифатида, бир тарафдан, келиб чиқиши орқали, иккинчи томондан, тилдаги функциясига кўра лексемадан фарқланади.

Таниқли фразеолог олима В.Н.Телия ушбу ўзига хослик тўғрисида қуйидагиларни таъкидлайди: “Идиомалар кўчма мотивли сўздан ҳам фарқланади. Улар семантик жиҳатдан сўз орқали олинган аниқ маънога эга, аммо идиомада сўзларнинг ўзига хос бирикуви алоҳида мустақил денотация ва референт автономияларини йўқотган ҳолда яхлит тарзда ишлайди<sup>38</sup>”.

Немис тилидаги яқин, қисқа масофа маъносини ифодаловчи *~nah* сўзи ўрнига баъзи ўринларда ифодалироқ бўлган *~Ein Katzensprung*; (сўзма-сўз: бир қадам; яқин) фраземасининг қўлланиши фикримизнинг далилидир. Шунингдек, 'мушук' сўзи билан боғлиқ рус тилидаги жуда оз маъносидаги *~кот наплакал*; (сўзма-сўз: ~'мушук кўз ёшидай') 'бир томчи, жуда ҳам оз' маъносида қўлланишига эътибор қаратинг. Ушбу икки ҳолатда ҳам фраземалар ўзларининг лексик-синонимик идентификаторларидан фарқли маъноларга – семаларга эга эканлигига гувоҳ бўламиз, яъни уларнинг маъно кўлами сўз лексик маъносига нисбатан “бойроқ” ҳамда кенгроқдир.

